

ГУЛОРА РАВШАНОВА, ПОЁН РАВШАНОВ

МОЗИЙ САБОҒИ

(ТАДҚИҚОТ)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Олис ва яқин тарихимизнинг ҳайратомуз жумбоқлари кўп. Қарши шаҳридаги Абдуллахон мадрасасининг Шўро корчалонлари томонидан буздирилиши ҳақида архивдан топилган ҳужжатлар, «Одина» масжидининг имоми тақдири, атоқли маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фожиали ўлими, «Кўкғумбаз» масжидини қулатишга оид амалга ошмаган қарор, мустабид тузумга қарши озодлик кураши, Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон хусусидаги тадқиқотлар топилдиқлиги билан китобхон диққатини жалб этмай қолмайди. Шўро даврида ҳажнинг кулфати, қадим Кешда шаклланган илмий муҳит, Оғоликнинг беваси қисмати ҳам тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан.

Китоб тарих ва адабиёт ихлосмандлари, ўқувчи ва талабалар, илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

А.Ҳ.ЧОРИЕВ,

тарих фанлари доктори, профессор

А.БЎТАЕВ,

Қашқадарё вилоят Давлат архив ишлари

ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Г.МЎМИНОВА,

тарих фанлари кандидати, доцент

ISBN 978-9943-08-412-4

© Гулора Равшанова, Поён Равшанов. «Мозий сабоғи» (Тадқиқот). «Янги аср авлоди», 2009 йил.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мустақиллик тарихимизнинг равон йўлини очди. Мустабид тузум даврида мафкуравийлик, синфийлик исканжасига туширилган олис ва яқин тарихимиздан асл ҳолида баҳраманд бўлиш имкондан холи эди. Воқеа-ҳодисалар Шўро ғояси асосида тусланиб талқин этилгани каби, давлатчилигимиз, қадриятларимиз, тарихий шахслар, алломалар, миллий озодлик фидойилари салбий баҳоланди.

Ватан озодликни қўлга киритгандан эътиборан, халқимиз тарихига бўлган муносабат ижобий қутбга ўзгарди. Ўтмишни манбалар асосида холис ва ҳаққоний ёритиш, хаспўшлаб келинган, мустабидлик нуқтаи назаридан сохталаштирилган қирраларни аниқлаш амалга оширилди. Мустабид тузум даврида таққилаб қўйилган мавзуларда илмий-тарихий қиммати бебаҳо асарлар яратилди ва яратилмоқда. Амир Темур, Имом Бухорий, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари халқимизнинг даҳо ва доно фарзандлари фаолияти, мероси маънавиятимиз мулкларига айланиб улгурди. Миллий озодлик ҳаракати фидойилари исми шарифлари бўҳтон ва таҳқирлардан покланди.

Яқин ўтмишда шаҳарларимиз, қишлоқларимиз ҳақида ёзиш, тадқиқот олиб бориш миллатчилик сифатида қораланар эди. Эндиликда тарихи уч минг йил теграсидаги қадимий шаҳарларимиз юбилейларининг нишонланиши ҳақиқатнинг улғувор тантанаси бўлиб жаҳонга ёйилди.

Қашқадарё воҳаси Ўзбекистоннинг алп вилоятларидан бири ҳисобланади. Қадимий ва бой тарихга эга бўлган бу юрт кечмишининг ҳали ҳануз тасарруф этилмаган очиқ саҳифалари кўп. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик юбилейлари муносабати билан қадимий ва яқин тарихга оид кўпгина рисоалар, мақолалар яратилди. Изланишлар, тадқиқотлар ўтмишимизнинг янгидан-янги қирраларини инкишоф қилишда давом этаётир.

«Мозий сабоғи» рисоласида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари билан боғлиқ кўпгина мавзулар қаламга олинади. Қарши шаҳрининг кўрки бўлган XVI асрда қурилган Абдуллахон мадрасасининг Шўро ҳукми билан бузиб ташланиши аниқ тарихий далиллар асосида далолат этилади. Қашқадарё вилоят архивида бир йилга яқин мунтазам ишлаш муаллифлар учун кутилмаган, фавқулодда тарихий аҳамиятли ҳужжатлар билан юзма-юз келишга йўл очади. 1940 йилда «Кўкғумбаз» масжидини бузиб ташлаш ҳақидаги қарор, «Одина» масжиди имомининг тақдири каби архив жамғармалари маълумотларини шу сирага киритиш мумкин.

Тарихни қанчалик ичкарироқ кириб бориб тадқиқ этсак, у ўзининг пинҳона қирраларини шунчалик баралла тақдим эта боради. Вилоят давлат архивлари жамғармалари, афсуски, мунтазам ўрганилган эмас. Тажриба шуни кўрсатдики, гарчанд жуда кўп расмий ҳужжатлар йўқ қилинганига қарамай, минглаб жилдлар ичида жуда кам ўрганилган XX аср биринчи чораги тарихига доир ноёб ҳужжатлар сақланиб қолган.

«Мозий сабоғи» рисоласи ана шу изланишнинг дастлабки самараси сифатида майдонга келди. Ўтмиш бошидан кўп иссиқ ва совуқ ўтган нуроний донишмандни эслатади. Унинг ўғитларига қулоқ солиш, хулосалар чиқариш ҳозирги авлодларнинг бурчидир. Мозий сабоғи Ватан истиқлоли қадрини, аҳамиятини, истиқболи йўлларини ёритувчи абадий нур мабдаидир.

Ушбу китобнинг яратилишида ёрдами катта бўлган «Қашқадарё» газетаси Бош муҳаррири Нарзулла Равшановга, Қашқадарё вилоят давлат архив иши ҳудудий бошқармаси раҳбари Абдурашид Бўтаевга, вилоят давлат архиви ходимларига, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси, таниқли шоир Исмоил Тўхтамишевга муаллифлар самимий миннатдорчилик изҳор этади.

АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ

Қарши шаҳрида ХХ асрга қадар 100 дан зиёд масжид ва 50 га яқин мадрасалар бўлганлиги манбаларда зикр этилади. Амир Темур бунёд этган «Одина» (жума) жомеъ масжиди бизнинг кунларимизга қадар етиб келган илк саждагоҳ бўлса, XVI аср охирида Абдуллахон томонидан барпо этилган мадраса дастлабки илм маскани ҳисобланади. Шаҳарда турли асрларда қурилган масжид ва мадрасаларнинг аксарияти сақланиб қолмади. Ҳозирда мавжуд қадимий обидалар сони жуда кам. Аждодларимизнинг меъморий мероси собиқ Шўро мафкураси тазйиқи остида йўқликка юз тутган эди. Шундай қисмат Абдуллахон мадрасасини ҳам четлаб ўтмади.

Абдуллахон Қаршини олиш учун узоқ кураш олиб борган ва унга қийинчилик билан эришганди. У ҳокимиятни мустаҳкамлагач, шаҳарни обод қилишга алоҳида эътибор қаратади. Қаршида маҳобатли мадраса қуриш, дарёга кўприк солиш ва ҳаммомлар барпо этиш ишига киришади. Мадраса учун жой «Одина» масжидининг рўпарасидан танланади. Бино тўрт бурчакли улкан тархда, икки қаватли қилиб қурилади. Мадраса мажмуи, тарихчи олимлар Қамбар Насриддинов ва Абдусаттор Жуманазарлар қайд этганларидек, ички масжид, дарсхоналар, кутубхона ва толиби илмлар яшайдиган ҳужралардан иборат бўлади. Мадрасанинг улуғворлигини ундаги хоналар сонининг 60 га яқинлаб борганлиги ҳам намоён этади. «Одина» масжидига қараган шарқий тарафдан баланд пештоқли, нилий гумбазли йўлак қўйилган бўлса-да, икки асосий кириш жойлари, яъни олд қисми ғарбий томонда бўлган. Мадрасанинг шарқий ва ғарбий буржларидан тўрт минора қад ростлаб, 30 м баландликка бўй чўзган.

Бино Абдуллахон салтанатининг куч-қудратга тўлган даврида қурилганлиги сабабли, мустаҳкам ва серҳашам барпо этилган. Икки тарафдаги пештоқлар безатилишига катта эътибор берилган. Олд қисм деворлари гулдаста монанд кошинлар жилосидан ранг-баранг товланиб турган.

Пишиқ фиштдан тикланган, тўрт асрдан ортиқ вақт мобайнида ислом зиёси ва дунёвий илмлар маскани сифатида минглаб толиби илмларга таҳсил ошени бўлиб келган Абдуллахон мадрасаси Шўро мафкуравий қатағонининг, ўтмиш маданиятни йўқ қилиш сиёсатининг дастлабки нишонларидан бирига айланди.

1930 йилдан кейин туғилганлар бу мадрасанинг номини эшитганлар-у, ўзини кўрмаганлар. Мадрасанинг қачон ва кимлар томонидан буздирилганлиги ҳали ҳозирга қадар номаълумлигича қолиб келди.

Қарши тарихи ҳақида ёзилган китобларда мадрасанинг қачон буздирилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. «Насаф» асарининг муаллифи Абдусаттор Жуманазар: «Бир замонлар Қаршининг ўзига хос илмий академияси вазифасини бажарган бу муборак маскан 1925 йиллардан кейин ер билан битта қилиб текислаб ташланган», деган фикрни айтади.

Қизил салтанат ички қаршиликларни бартараф этиш билан банд бўлган 20-йилларда Қарши шаҳридаги обидаларга вилоят Вақф шўъбаси эгалик қилади. Бу муассаса 1928 йилнинг 4 июлига қадар фаолият юритган. У «диний руҳдаги» идора тизими бўлганлиги сабабли шу йили тугатилади. 1928 йилнинг 3 январиди вилоят Вақф шўъбаси бошлиғи Ғофуров ўзи раҳбарлик қилган идорага қарашли кўчмас мулкларни, улар жумласида мадраса ва масжидларни Беҳбудий шаҳар хўжалик бўлими савдо агенти Золотухинга топширганлиги ҳақидаги актни имзолаган.

Вилоят архивининг 83-жамғармаси 181-ишида сақланаётган ана шу ҳужжатдан маълум бўлишича, 1920 йилдан то 1928 йилнинг бошига қадар Мирзо Абдуғаффор, Мир Бек (Бекойбий), Ҳотамбой, Бекмурод, Ёрбош, Азим Соят, Саидкулбий, Чорибой, Абдуллахон, Олий, Домулла Нур, Шермуҳаммадбой, Қорлуғбой, Хожа Абдуазиз, Абдусамадбой мадрасалари, «Одина», «Эски мачит», Темир йўл ҳудудидаги масжид (эски закотчихона) Вақф идораси ихтиёрида бўлган. Абдуғаффор мадрасаси округ «Қўшчи» иттифоқига ижарага берилган. Ҳотамбой мадрасаси шифохонага айлантирилган, бу жойда соғлиқни сақлаш бўлими ҳам фаолият кўрсатган. Бекмурод мадрасасида округ молия бўлими, Мир Бек мадрасасида округ халқ таълими бўлими, Саидкулбой мадрасасида почта, Чорибой мадрасасида вилоят фирқа қўмитаси, Абдуллахон мадрасасида қурилиш-таъмирлаш ташкилоти жойлашган. Шаҳар ижроия қўмитаси «Қўшчи» иттифоқи билан бирга, Абдуғаффор мадрасасида фаолият кўрсатган. «Эски мачит»да округ хотин-қизлар ташкилоти¹ иш олиб борган.

¹ Қашқадарё вилоят архиви, 83-жамғарма, I рўйхат, 181-иш, 27-30-бетлар.

1928-29 йилларда Қизил салтанат динга нисбатан мурасиз курашни авж олдиради. Бутун мамлакатда диний обидаларни, масжид ва мадрасаларни йўқ қилиш ҳаракати бошланиб кетади. Уларнинг тарихий, меъморий-маданий ёдгорлик сифатидаги қиммати эътиборга олинмайди. Қаршида ўтмиш обидаларига бошланган ҳужумнинг биринчи ўлжаси Абдуллахон мадрасаси бўлади. Вақф идораси тугатилганидан 24 кун ўтиб, Қашқадарё округ ижроия қўмитаси мадрасани буздириш пайига тушади. 1928 йилнинг 28 июлида округ ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Карпов, масъул котиби Жалолов ва адлия маслаҳатчиси Александровлар имзолаган 7897-сонли ҳужжатда Абдуллахон мадрасаси ҳақида шундай қарорга келинади:

«Ҳозирги пайтда шаҳар маҳаллий хўжалиги, шаҳар кенгаши ва шаҳар муҳандислиги вакилларида иборат махсус комиссия томонидан тузилган актга мувофиқ, мадрасанинг бундан кейинги ҳукм суриши хавфли бўлиб қолаётир, бу хавф ҳам ички, ҳам ташқи томондан бўлиб, тезлик билан унинг уст қисмини бузиб (пештоқнинг олд қисми) олиш мақсадга мувофиқдир. Бу девор пишиқ гиштдан кўтарилган, унда безаклар йўқ.

Шуни назарда тутиб Қашқадарё округ ижроия қўмитаси президиуми мадрасани бузиб олишни қисқа фурсатда бажариш лозим деб ҳисоблайди»¹.

Округ ижроия қўмитаси Абдуллахон мадрасасини бузишни кун тартибига қўйган бўлса-да, рухсат олиш билан боғлиқ сабабларга кўра, бу тарихий обиданинг умри яна бир неча йилга узаяди. Пойтахтда–Самарқандда моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш ишига мутасадди бўлган ташкилот округдан юборилган хат жавобини пайсалга солган. Мадрасани йўқ қилишга аҳд қилганлар эса ора йўлда қоладиган кимсалар эмасди. 1931 йилнинг 25 майида Беҳбудий шаҳар кенгаши «Абдуллахон мадрасасининг ҳолати ҳақида» деган масалани муҳокама қилади. Шаҳар кенгаши гоҳ у, гоҳ бу идораларга ижарага берилавериб, таъмирланмаслик оқибатида иккинчи қаватдаги айрим хоналари яроқсиз ҳолга келиб қолган мадраса ҳақида раҳбарлар орасида сўров ўтказади. Фикри сўралганлар: шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Визгалин, ижроия қўмита

¹ Шу жамғарма, 215-иш, 251-бет.

аъзолари Аббосов, Эргашев ва Якушевлар бўлади. Мадраса ҳақида ҳукм чиқарадиганлар ҳам яна шуларнинг ўзлари эди. Қадимшунослар у ёқда турсин, бу ҳақда шаҳарлик усталар маслаҳатини олиш ҳам унутилган.

Мадраса ҳақидаги сўров асосида шаҳар ижроия қўмитаси қуйидагича қарор қабул қилади:

«Абдуллахон мадрасаси ниҳоят ёмон ҳолатда, яъни қулаб тушиш хавфи бор, бунинг устига, айтилаётган мадраса атрофида ҳаракатланиш бўлиб, ағнаш юз берса, бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, мадрасани бузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Бузиш вақтида чиққан яроқли ашёлар қурилишларда ишлатилсин.

Қайд этилсинки, шаҳар кенгашининг бир неча марта берган хабарига қарамай, Узкомстариус¹ ўз вакилини юбормади. Ҳолбуки, ушбу масаланинг ечими учун мадрасанинг бузилишини ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Шу сабабли, зудлик билан телеграмма (Узкомстариусга–Г.Р.) жўнатилсин ва шундан сўнг мадрасани бузиб олишга киришилсин».²

Шу тариқа, Беҳбудий шаҳар кенгашининг 1931 йил 25 майдаги 17-қарори асосида, Визгалин, Аббосов, Эргашев ва Якушевларнинг фикр-хулосаларига кўра Абдуллахон мадрасаси бузиб юборилади. Мадрасани бузиб, ер билан баравар текислаш ишлари анча давом этади. Бу орада Беҳбудий шаҳридаги қадимият обидаларини Шаҳрисабзда ташкил этилган моддий маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси ихтиёрига ўтказиш ҳақидаги қарор қабул этилади. Беҳбудий шаҳар ижроия қўмитасининг бу ҳақдаги қарори 1933 йилнинг 3 сентябрида чиқади. Беҳбудий шаҳридаги масжид ва мадрасаларнинг Шаҳрисабзга тобеъ этиб қўйилиши Республика Узкомстариуснинг 1933 йил 15 июлдаги 13/08-рақамли хати асосида амалга оширилган.

Шаҳрисабз моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитасида, инсоф юзасидан қайд этиш лозимки, виждонли, ватанпарвар, билимли кишилар ишлашган. Беҳбудий

¹ Моддий маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси.

² Қашқадарё вилоят архиви, I жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 18-бет.

шаҳридаги ўтмиш обидалари улар тасарруфига ўтгач, қўмита ўзининг бир йиғилишида Абдуллахон мадрасасининг бузиб юборилганлигига муносабат билдириб, айбдорларни аниқлаш ишига киришади.

«Махфий» рукни остида ёзилган йиғилиш қарори Беҳбудий шаҳар кенгашига юборилади. Қўмита мажлисида Султонов (раис), Нуриддинов, Умрзоқов, Алимов, ГПУдан Крестьянский, Жалил Рустамов, Жалилов, муҳандис-меъмор Майоров, туман фирқа қўмитаси маданий-оқартув бўлими бошлиғи Шариповлар қатнашади.

1933 йил сентябри охирида ўтган йиғилиш қарорида: «Султонов Беҳбудий шаҳрига хизмат сафарига юборилсин ва унга Абдуллахон мадрасаси ва хаммом (бу вақтда Қаршида Абдуллахон томонидан қурилган 2 та ҳаммом бўлиб, уларнинг бири шу даврда бузиб юборилган) кимнинг буйруғи билан буздирилганлигини аниқлаш, гуноҳкорларни жиноий жавобгарликка тортиш чорасини кўриш топширилсин»¹, дейилади.

Архив ҳужжатларида Шаҳрисабз моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси Беҳбудий шаҳар кенгашига юборган қарор қандай натижа билан яқун топганлиги ҳақидаги ҳужжат, афсуски, сақланиб қолмаган. Қўмитанинг журъатли ва фидойи раиси Султонов ҳақида ҳам ортиқ маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан, бу ҳужжатнинг тарихий-маънавий аҳамияти жуда катта. Шўронинг қатағон сиёсати хуружга келган даврда бундай ватанпарварлик қарорини қабул қилишнинг ўзи бўлмасди.

1931 йил май ойи охирида бузиб, ер юзидан йўқ қилинган Абдуллахон мадрасаси ноёб меъморий иншоот эди. Ачинарли жойи шундаки, шаҳар ижроия қўмитаси мадраса ҳақидаги масалани муҳокама қилганида, фақат бузиш фикрида бўлган. Таъмирлаш йўли мутлақо ўйлаб кўрилмаган. Ўша пайтларда ўтмиш осори-атиқаларини йўқ қилувчилар ардоқда эди. Абдуллахон мадрасаси шундай корчалонлар қурбони бўлган эди.

Бугун «Одина» масжидининг Қарши шаҳри 2700 йиллиги муносабати билан қайта тикланган қиёфаси фусункорлиги билан кишини ҳайратга солади. Вақтида қамоқхонага айлантирилган

¹ Қашқадарё вилоят архиви, I жамғарма, 1-рўйхат, 37-иш, 46-бет.

бу обида ҳам ярим вайрона ҳолига келиб қолганлигини яхши биламиз. Мустақиллик шарофати, Президентимизнинг ўтмиш ёдгорликларига нисбатан тутган олижаноб, бунёдкорлик йўли бу масжидга қайта ҳаёт бағишлади.

АМИР ОЛИМХОН ОМОНАТИ

Амир Олимхон XX аср бошларида энг бадавлат давлат бошлиқларидан бири эди. Хазинасида тўпланган бойликнинг бир қисми Бухоро тахтида қарийб икки асрга яқин ҳукм суриб келган ота-боболаридан мерос қолган эди. Чор Россияси босқини, хонликнинг вассал мақомига тушиб қолиши катта сарф-харажатлар билан бир қаторда, доимий ҳушёрликни тақоза этарди. Узоқни ўйлаб қурол-яроғлар сотиб олиш, кўп сонли қўшинни сақлаб туриш улкан молиявий захира билан боғлиқ эди. Амир Олимхон даврида хорижий мамлакатлар билан қорақўл тери, пахта, туз ва бўлак ашёлар билан савдо қилиш бир қадар кенгайди. Хонлик хазинасини тўлдириш олиқ-солиқлар билангина чегараланиб қолмаган. Амир хонадони сарф-харажатлари унинг ўз шахсий мулкларидан, тижорат ва чорвачилигидан келадиган даромадлар ҳисобига қопланиб борган. Амирнинг чорва хўжалиги катта бўлиб, улар хонликнинг турли ҳудудларида, ишончли кишилар қўлида эди.

Қашқа воҳаси, хусусан, Қарши ҳудудлари манғитий амирларнинг туғди-битди жойи бўлганлиги учун ҳам, сулоланинг деярли барча вакиллари бу маъвога алоҳида эътибор билан қараганлар. Амир Олимхон ҳам ёшлигидан Қаршида кўп бўлган, бир қанча вақт бу ерда яшаган, дўстлар, танишлар ортдирган. Айниқса, Нуриддинхожа Оғолиқ ва унга яқин кишиларни ҳурматлаган, улар билан алоқани тахтда мустаҳкам турган йилларида ҳам узмаган. Шундай хос кишилардан бири Нуриддинхожа Оғолиққа яқин бўлган Музаффархожа Ҳотамхожа ўғли эди. Музаффархожа Касби қишлоғида 1878 йилда туғилган, ҳалол, покдомон киши бўлган. Вақтида яхши маълумот олган бу зот Қарши оғолиғи Нуриддинхожа билан ота-боладай қалин эди. Нуриддинхожа уни мард ва тантилиги, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган диёнатли киши бўлганлиги сабаб, қаттиқ ҳурмат қилган. Абдуллахон мадрасасида таҳсил олган Музаффархон илм-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1719> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1719> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1719>